

Хонобод шаҳрининг «Фозиламон» маҳалласида янги ўйингоҳ фойдаланишга топширилди. Уни тадбиркор Шухратбек Содиков 100 млн. сўмга яқин маблағ сарфлаб бунёд этди.

ЗАМОНАВИЙ ЎЙИНГОҲ

Сунъий чим ётқизибли, атрофи махсус тўсиқ билан ўралган майдонда томошабинлар учун ҳам қулайликлар яратилди. Мазкур ўйингоҳ хонободлик ёшларга ажойиб тўхта бўлди. Қурилиш ишларини давом эттираётган тадбиркор ўйингоҳ атрофига савдо мажмуаси қуришни ҳам режалаштирган.

Ўз мухбиримиз

БУХОРО

Бухоролик тадбиркор Истам Омонов хайрли ташаббус билан чиқиб, вилоят марказида «Burda Iyuks texstel» хусусий корхонасини ташкил этганига ҳали бир йил ҳам бўлмади. Бирок, ўтган қисқа давр мобайнида бу ерда ишлаб чиқарилаётган болалар, ўсмирлар ва эркеклар кўйлаклари ҳамда хотин-қизлар палтолари талаб тобора ортиб бормоқда.

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги қулай имтиёзлар корхона фаолияти учун муҳим омил бўлди. «Қишлоқ қурилиш банк»дан олинган 60 миллион сўмлик кредит маблағи эвазига Хитойдан харид қилинган 15 та замонавий тикув машинаси қўл келди. 12 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Шуниси эътиборлики, тикувчиликда катта тажрибага эга бўлган устозлар ўзларига 5 нафар коллеж битирувчиларини шогирдликка олишган.

Яқинда корхонага Туркиянинг «Малкан» фирмаси билан тузилган шартномага асосан 30 минг АҚШ доллари эвазига олинган пресс ва дазмоллар линияси ҳам ўрнатилди. Бу эса, маҳсулот сифатини яхшилаш билан бирга, қўшимча иш ўринлари яратишга имкон яратди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири



Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсиясининг нашри • 2013-йил 29-октябр, сешанба № 132 (3325)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МДҲ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНING TOP ДОИРАДАГИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Мухтарам раис,
Хурматли давлат раҳбарлари!
Ҳамдўстлик давлат раҳбарлари саммити иштирокчиларини қутлаш ва Беларус Республикаси Президенти Александр Григорьевич Лукашенкога самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Бугун дунёда юз бераётган мураккаб жараёнлар, кучларни глобал ва минтақавий жойлаштириш борасидаги мураккаб ўзгаришлар, жаҳон иқтисодиётида инқироздан кейин кечаётган оғир давр, Ҳамдўстликка яқин ва узоқ давлатлардаги вазият ва зиддиятларнинг кескин тус олаётгани ҳақида гапиришни алоҳида зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан, бизнинг назаримизда, МДҲнинг бу борадаги роли ва ўрнини белгилаш, Ҳамдўстлик доирасида қандай ишлар амалга оширилаётганини ва унинг имконият ҳамда салоҳиятини баҳолаш, ушбу ташкилотнинг истиқболи ва келажагини қандай тасаввур этишимиз хусусида фикр билдиришимиз муҳим аҳамиятга эга.

МДҲнинг, ўтган йиллар мобайнида мазкур ташкилот томонидан яратилган ҳуқуқий майдон ва ҳамкорлик воситаларининг, механизмларининг аҳамиятини оширмасдан, айни пайтда камситмасдан айтиш мумкинки, Ҳамдўстлик унга аъзо бўлган ҳар бир давлат учун муҳим ўрин тутмоқда. Бундай дейиш учун барча асослар бор.

Ҳамдўстлик унга аъзо давлатларнинг изчил ривожланиши, барқарорлиги ва хавфсизлиги га раҳна солиши мумкин бўлган таҳдид ва хатарларга ўз вақтида, муносиб жавоб қайтариш, баҳс ва низоларни ҳал этишга қаратилган, пировард натижада собиқ иттифоқ ҳудудида фуқароларнинг ўзаро мулоқот қилиши учун мақбул ёндашув ва мувофиқлаштирилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда.

МДҲ давлатларининг серқирра ҳамкорлиги ҳақида сўз борганда, биз, авваламбор, **МДҲ маконида зўравонлик ва мурасасизлик гоёларини очик-ойдин тарғиб қилаётган турли экстремистик ташкилотлар фаоллиги кун сайин кучайиб бораётганини эътиборга олган ҳолда, экстремизм ва терроризмга қарши курашда Ҳамдўстлик мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлигини назарда тутамиз.**

Бугунги кунда тобора авж олаётган радикализм, терроризм ва жангари экстремизм мафкураси нафақат бир мамлакат ёки муайян минтақа доирасида кенг тарқалаётгани, балки ушбу жараён миллий чегара билмаслиги ҳақида гапиришни ҳожати йўқ. Айнан шу сабабли МДҲга аъзо давлатлар ҳудудида ҳар қандай кўриниш ва шаклдаги терроризм ва экстремизмга йўл қўймаслик муҳитини шакллантириш, ушбу хавфли таҳдидларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига кўмаклашадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарур.

Бугунги саммитда жиноятчилик ва терроризм, наркотик воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши ҳамкорликда курашиш бўйича чора-тадбирлар дастури, шунингдек, Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик концепциясининг қабул қилиниши Ҳамдўстликка аъзо барча давлатларнинг узоқ муддатли хавфсизлик манфаатларига мос келади.

Иккинчидан, Афғонистондан АЙСАФ тинчликпарвар кучларининг 2014 йилнинг охирига қадар чиқарилиши, шак-шубҳасиз, Афғонистон билан чегарадош давлатлар ва унга яқин ҳудудлар учун жиддий синов бўлади.

Дунёдаги ақсарият мамлакатлар Афғонистон муаммосини ҳал этишнинг ягона йўли — бу, ушбу муаммонинг сиёсий тинч ечимини топиш, ўзаро курашаётган турли томонлар ўртасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида музокаралар ўтказиш ва мурасаса қилиш, таркибига ўзаро қарама-қарши асо-

сий кучлар ҳам кириши мумкин бўлган муваққат ҳукуматни шакллантириш зарур, деган хулосага келмоқда.

Ўзбекистон Афғонистон билан қўшни давлат сифатида унинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистон билан ҳамкорликни икки томонлама асосда ташкил этиш, Афғонистон халқи сайлайдиган ҳукуматга ёрдам бериш ва уни қўллаб-қувватлаш сиёсатига қатъий амал қилади.

Бундай шароитларда ҳар бир мамлакат ўзи қабул қилаётган чора-тадбирларни амалга ошириши, шунингдек, Афғонистондан қўшинларни чиқариш жараёни ён-атрофдаги мамлакатларга зийн етказмаслигини манфаатдор томонларнинг ўзаро мувофиқлашган ва маслаҳатлашган ҳолда иш тутиши, энг муҳими, юзага келаётган шароитда аввало Афғонистоннинг ўзида тартибсизлик ва зўравонликка йўл қўймаслик мамлакатларимиз ва умуман, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Бу борада манфаатдор бўлган қудратли давлатлар амалий ёрдам кўрсатиши мумкин ва даркор.

Яна бир масалага алоҳида тўхталмоқчиман. Бу МДҲ маконида мамлакатлар ўртасида амалдаги савдо режимида салбий таъсир кўрсатмайдиган принципларга асосланган тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантиришдир. Бу МДҲ ҳудудида барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг муҳим шартларидандир.

Бунда товар оқимлари тузилмасини диверсификация қилиш, ўзаро етказиб берилаётган товарлар турларини кенгайтириш ва энг муҳими, мувофиқлаштирилган ва самарали транспорт-коммуникация ҳамда тариф сиёсатини амалга ошириш улкан аҳамиятга эга.

Биз Ўзбекистон Республикасининг Эркин савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага қўшилишини қўллаб-қувватлаган Россия Федерацияси ва Ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатларидан миннатдоримиз. Ўзбекистоннинг изчил ривожланаётган бозори ва жадал ўсиб бораётган иқтисодиёти билан ушбу муҳим интеграция лойиҳасида иштирок этиши Шартноманинг барча қатнашчиларига ўзаро фойда ва манфаат келтиришига ишонаман.

Мухтарам ҳамкасблар!
МДҲ истиқболи ва келажаги кўп жиҳатдан бизга, яъни Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларга ва, албатта, ҳеч бир муносабатсиз биринчи навбатда, Россияга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Собиқ иттифоқ ҳудудидаги ҳар бир мамлакат учун Россиянинг улкан салоҳияти ва бозор имкониятлари эътиборга олинган ҳолда, бу давлат билан йўлга қўйилаётган муносабатлар ва муҳими — умумий тарихимиз, қадриятларимиз, интилишларимиз ва керак бўлса, узоқ йиллар мобайнида биз биргаликда яшаган макон алоҳида аҳамият касб этиши бугун ҳеч кимга сир эмас.

Собиқ иттифоқ ҳудудида Ҳамдўстлик билан бир қаторда бошқа интеграция жараёнларининг ҳам ривожланаётгани МДҲ фаолияти учун тўсиқ бўлаётгани йўқ.

Шу билан бирга, давлатлараро бирлашмаларнинг ҳар бири — МДҲ, Божхона иттифоқи ва унинг асосида ташкил этилаётган Евроосиё иқтисодий иттифоқи бир-бирини тақрорламасдан ўз йўналиши бўйича фаолиятини йўлга қўйиши гоят муҳимдир. Бундай ҳолат эса келажақда юз бериши мумкин.

Хурматли ҳамкасблар!
Беларус Республикасининг МДҲга раислиги, бизнинг фикримизча, фаол ва амалий хусусиятга эга бўлди ва Ташкилот доирасида унга аъзо мамлакатларнинг умумий мақсад ҳамда вазифаларини илгари суришга ёрдам берди.

Фурсатдан фойдаланиб, Украинани навбатдаги даврда МДҲга раислик қилиши билан табриқлаб, Украина Президенти Виктор Федорович Януковичга ушбу масъулиятли миссияни амалга оширишда катта муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.



КОЛЛЕЖДАН КОРХОНАГА

Навоий вилояти Қонимех туманидаги «Қизилқум полипропилен» масъулияти чекланган жамиятида меҳнат қилаётган 35 ишчининг асосий қисмини касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этади.

Йилига 8 миллион дон полипропилен қоп ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада иш икки сменада ташкил этилган, жамоа учун қўлай меҳнат шароити яратилган. Замонавий технология асосида фаолият юритаётган корхонанинг таянчи ёшлардир.

Суратда: ишчи Муниса Ғайбуллаева.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган сурат

Ободлик, саришталлик ҳукм сурган жойда файзу барака бўлади. Бугун юртимиз маҳаллаларидаги ободлик, саришталлик учун ярашаётган аҳолининг дилига, астойдил қилаётган ишларига, амалларига кўчган. Навбахор туманидаги Қалқонота маҳалласида кейинги пайтларда қатор маиший хизмат кўрсатиш объектлари, савдо мажмуалари қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу эса аҳолига катта қулайлик туғдирмоқда.

Маҳаллада тикув цехи, аёллар ва эркеклар сартарошонаси, фотосалон, компьютер ва интернет хизмати, пойабзал ва маиший техникаларни тузатиш устаконалари фаолияти йўлга қўйилиши натижасида 30 нафар ёш доимий

Маҳалладаги кўчалар бўйлаб ҳар икки томонга манзарали дараклар, турфа гуллар ўстириб қўйилганки, кўриб дилинг ярайди. Йўл четидаги

ариқларда зилол сув шилдираб оқиб турибди. Дарҳақиқат, бу каби бунёдкорликни ҳозирда юртимизнинг барча туманларида, маҳаллаларида кузатиш мумкин. Бугун чекка-чекка худудларда ҳам шаҳарниқадан сира

қолишмайдиган маиший хизмат кўрсатиш объектлари, савдо мажмуалари ишга туширилиши билан қишлоқ аҳолиси ҳаётининг янада фаровонлашуви таъминланмоқда.

Шухрат НОРМУРОДОВ, «Туркистон-пресс»

Оғир атлетика

22 ёшли жаҳон чемпиони

Яратилиб берилаётган кенг имкониятлар, шарт-шароитлар спортчиларимизнинг дунё майдонларида улкан ғалабаларни қўлга киритишга хизмат қилмоқда. Муस्ताқиллик тенгдоши, йигирма икки ёшли истеъдодли полвонимиз Руслан Нуриддиновнинг жаҳон ареналаридаги зафарли одимлари ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг, тинимсиз машғулотларнинг самараси десак, муболага бўлмайди.

Руслан 2011 йилда Францияда ўтказилган жаҳон чемпионатида кумуш медални қўлга киритганди. Ушунда унга чемпионлиқни қўлга киритиши учун бир неча килограмм етмаганди ҳолос.

Жорий йилда ўтказилган Осиё чемпионатида барча рақибларидан устун эканлигини амалда намойиш этган Руслан мусобақанинг унча олтин медалини юртимизга олиб қайтди. Россиянинг Қозон шаҳрида ташкил этилган Универсиадада ўйинларида эса полвонимиз мусобақанинг барча рекордларини янгиллаб қўйди: даст кўтаришда 190 кг., силтаб кўтаришда 222 кг. натижага эришди.

Полшанинг Вроцлав шаҳрида саксоничи маротаба ўтказилган жаҳон чемпионатида

кўтчиликнинг нигоҳи айнан Руслан Нуриддиновнинг чиқишларига қаратилгани бежиз эмас. У иштирок этадиган 105 кг. вазн тоифасида бу гал барча натижалар янгиланди. Полвонимиз даст кўтаришда 190 кг., силтаб кўтаришда 235 кг., икки кураш якунига кўра 425 кг. натижани қайд этди. Шу тариқа Руслан Нуриддинов оғир атлетикачиларимиз орасида биринчи бўлиб Жаҳон чемпиони деган шарафли номга эришди.

Эътиборли жиҳати, атлетимиз энг яқин таъкибчиси Давид Беджанян (Россия)ни 20 кг. ортда қолдириб қўтди. Буниси — оғир атлетика тарихида камдан-кам учрайдиган ҳолат.

Уч маротаба шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилган голиб спортчимиз шарафига

давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилди.

— Бугунги ғалабамни Ватаним ва халқимга, устозларим, мени қўллаб-қувватлаб турган барча-барчага бағишлайман. Жаҳон чемпионатида ғалаба қозонаман, деб ваъда бергандим. Шу ваъдамнинг улдасидан чиққанимдан жуда хурсандман. Кейинги мақсадим — 2016 йилда Бразилияда ўтказиладиган Олимпиадада ўйинлари олтин медалини юртимизга олиб келиш, — деди Руслан Нуриддинов ОАВ ходимларига берган интервьюсида.

Нуфузли мусобақада 77 кг. вазн тоифасида қатнашган яна бир вақилимиз, Осиё чемпиони Улугбек Алимов штангани даст кўтариш баҳсларида 158 кг. натижа қайд этиб, тўртин-



чи ўринни эгаллади. Моҳир спортчимиз штангани силтаб кўтариш бўйича 197 кг. кўрсаткич билан кумуш медалга сазовор бўлди. Бу натижа оғир атлетикачимизга иккикураш бўйича 355 кг. кўрсаткич билан кучли уликдан жой олиш имконини берди.

Аҳдам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

СЕРФАЙРАТ ҚУРУВЧИЛАР



Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 17 июнда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида ҳам кўплаб кўркам ва шинам уйлар қад ростламоқда.



Учкўприк қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда яна элликта уй қурилиши ниҳоясига етмоқда. Уларда тумандаги «МХМКК-399» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари сўнгги пардозлаш ишларини амалга оширмоқда. Ҳудудда замонавий

савдо мажмуаси, хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам барпо этилади. Янги уйлар ичимлик суви, газ ва электр энергияси тармоқларига уланган.

Суратларда: намунавий лойиҳалар асосида қурилайтган уй-жойлар; (чап-

дан) «МХМКК-399» масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Жаҳонгир Ҳожиमतов ва қурувчи Ваҳоб Мамажонов.

Муқимжон ҚОДИРОВ (Уза) олган суратлар

«Ободлик кўнгилдан бошланади» республика танловига

Бахт нуридан баҳраманд эл

110 ёшли момо дуоси

Рўзика момо бомдоддан сўнг ҳовлини бир қур айланади. Тотли меваларини кўз-кўз қилиб турган дарахларга қоқиб, ўтган умрини бир-бир эслайди. Шўроларнинг талотўп инқилоби, «халқ душмани» тамғаси билан зиёлиларнинг қатағон қилиниши, уруш туфайли қон йиғлаган аёллар, етим қолган болалар, очарчиликлар... тонг оқармасдан қамчи кўтариб келувчи раислар, кун бўйи далада ишлаб, кечалари чироқ ёруғида кир ювганлари... ҳаммаси оқар сувдай ўтиб кетди.

— Бошдан кечирганларимиз ҳозирги ёшларга эртатка ўхшаб туюлади. Невара-чевараларим биз кўрган кунларни кўрмаганига қувонаман, — дейди Рўзика момо. — Шу бахтли кунларга етказган Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин. Бир асрдан зиёд умрим давомида қанчадан-қанча қийинчиликларни бошимдан ўтказдим. Бугунгидай дорилмон кунларга етишни тасаввур ҳам этолмаганман. Дунёда мендан бахтли инсон йўқ. Фақат мустақиллик туфайлигина халқимиз яхши кун кўрди. Бир бурда нонга зор бўлмадим. Ҳар доим ҳадик ичида яшаганмиз. Одамлар уйини таъмирлашга, машина олишга, ҳатто яхшироқ кўйлақ кийишга ҳам кўршишарди. Бугун-чи, қайси уйга кирманг, Хива гиламлари яшнаб турибди. Машинаси йўқ хонадонлар жуда кам. Дастурхонларимизнинг тўқиллигини айтмайсиэми...

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида «Шўҳрат» медали билан муқотланганлар орасида кўшкўприклик, 110 ёшли Рўзика момо Бейжонова ҳам бор.

— Менга берилган ушбу муқофот ёшимга ёш кўшгандек бўлди, кўнглимни тоғдек кўтарди. Президентимиз дунё тургунча турсин, — дейди момо. — Барчага улуг ўшларни кўриш, алда табаррук ва азиз бўлиб яшаш насиб этсин. Шундай тинчликни, осойишталикни яратиб қўйганлар бор бўлсин. Икки кўлим кўксимда таъзимдаман ва тинмай дуо қиламан.

Ҳар кун бир янгилик

Хоразм воҳаси кун сайин ўзгариб, чирой очиб бораётгани пир бадавлат отахону онахонлар дуоси ижобат бўлаётганидан, элларвар инсонлар меҳнати ўз самарасини бераётганидан дарақдир.

Албатта, ушбу янгиликларда Президентимизнинг 2012 йил 22 ноябрдаги «2013-2015 йилларда Хоразм вилоятининг sanoat потенциалини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Қарорга мувофиқ, 2013-2015 йилларда вилоятда жами 253 та янги лойиҳа амалга оширилиши, вилоят иқтисодига 462 млн. АҚШ доллари миқдорда инвестициялар жалб қилиниши натижасида қарийб 9 мингта иш ўрни яратилади.

2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 62 млн. долларлик 885 та лойиҳа амалга оширилиб, 4906 та янги иш ўрни яратилди.

Жумладан, Урганч шаҳрида брикетланган кўмир ишлаб чиқаришга иқтисослашган «Хоразм кўмир этказувчи» ҳудудий дистрибуторлик марказий унитар корхонаси ишга туширилди. Корхона йилига 70 минг тоннадан ортиқ брикетланган кўмир ишлаб чиқариш қувватига эга. Унинг ишга тушиши 50 та янги иш ўрни яратилишига сабаб бўлди.

— Маълумки, кейинги йилларда фан-техника янгиликлари ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинмоқ-

да. Корхонамиз ҳам ана шу ўзгаришлар маҳсулидир. Уни ишга туширишда 2 млрд. 850 млн. сўм банк кредити ажратилгани муҳим аҳамият касб этди, — дейди корхона директори Худойберган Муродов. — Брикетланган кўмир атроф-муҳитга безарар, истеъмолчилар учун ҳам қулай, ҳам арзон. У ёқилгандан сўнг ҳам ўз шаклини сақлаб қолади, кул қолдирмайди, таркибида зарарли арашмалар йўқ. Корхона томонидан истеъмолчиларга йил охиригача 24 минг тонна брикетланган кўмир етказиб берилади.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Янги бунёд этилаётган корхоналар аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бунёдкорликлар қўлаи кенг

Неваралари қуршовида Урганчга келган гурланлик Саъдулла бобо хайратини яширмади. Ал-Хоразмий кўчасидаги рангин фавора қошида бир зум хаёлга берилганча, Анварбекнинг бошини силаб қўйди.

— Қара-я, болам, Урганч шўнчалик гўзал шаҳарга айланди. Атиги уч-тўрт йил бурун бу кўча эски, икки қаватли уйлардан иборат эди, десам, ким ишонади.

Бобо ва невара кўчадаги «Хоразм оши»да паловхўрлик қилишга, саёхатни давом эттиришди. Ал-Хоразмий, А.Баҳодронхон, Тинчлик, Ўзбекистон ва бошқа кўчаларда қад ростлаган мухташам турар жойлар, қурилайтган иморатлар, маъмурий, маиший биноларни завқ билан томоша қилишди. Айниқса, кўча бўйларида ранго-ранг товланиб турган гуллар бобонинг диққатини тортиди. «Экологиямиз ёмон, ҳеч нарса кўкармайди», дердик. Бу гулзорлар инсон қўли гул эканлигининг яна бир исботи», дея хаёлидан ўтказди у.

Дарҳақиқат, бунёдкорлик, ободлик хоразмликларнинг қундалик ишига айланган, десак, асло мулобаза бўлмайди. Истиқболли бошламаларнинг илк самаралари катта-ю кичикнинг қалбида завқу шавқ уйғотмоқда.

Урганч темир йўл вокзали жаҳон талаблари даражасида қайта қурилди. Эндиликда бу ердаги шарт-шароит маҳаллий аҳолини ҳам, хорижлик сайёҳларни ҳам мамнун қилмоқда. Вокзал олдидаги фавора бунёдкорликдан ёрқин нишондир. Шу кунларда вокзал олдидаги майдонни реконструкциялаш, Ёшлик кўчаси, спорт шаҳарчасини барпо қилиш ишлари давом этмоқда. Хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилади.

Яқинда Урганч шаҳрида қайта бунёд этилган Ёшлар кўли фойдаланишга топширилди. Ушбу эртанги мажмуада маданий дам олиш учун барча шароит муҳайб. Қолаверса, Амир Темур боғи қайта реконструкция қилинмоқда. Боғ ҳудудида «Ёшлар маркази», «Бахт уйи» биносини қуриш ва пиёдалар йўлакчаларига брусчаткалар ётқизибли, аттракционлар ўрнатилди ва ободонлаштирилди. Дастурга мувофиқ, шаҳарда уй-жой фондини яхшилаш мақсадида шаҳарнинг марказий қисмида архитектура талабларига жавоб бермайдиган 423 та объект, 278 та турар жой бинолари бузилиши, уларнинг ўрнида 88 та кўп қаватли уй ва 550 та коттеж типидagi 2 қаватли уйлар қуриш амалга оширилиши белгиланган. Бундан ташқари, мавжуд 18 та кўп қаватли уй-жойнинг олд қисмлари таъмирланади.

(Давоми 4-саҳифада).

Нодавлат секторда

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг кенг ривожланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Аҳоли бандлигини таъминлашда уларнинг ҳиссаси ортиб бораётгани ҳам шундан. Демак, ушбу тармоқда фаолият юритаётган ишчилар ҳам касаба уюшмалари қўллаб-қувватлашдан манфаатдор.

Аъзолар сафни кенгайтириш

Бевосита Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан тизим фаолларнинг нодавлат сектор корхоналари билан ишлаши, уларда меҳнат қилувчиларни аъзоликка жалб этиш борасида катта ишлар амалга ошириб келинмоқда. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилоятидаги масъул ташкилотчиси Баҳодр Мирзаев берган маълумотларга кўра, жорий йилнинг 1 октябрга қадар 42 та нодавлат сектор корхонасида касаба уюшмалари тузилиб, 1435 нафар ходим манфаати ҳимояси таъминланган. «Олмалик сўт-гўшт имкон», «Novo wood», «Kagavon», «Зақ Қоғоз», «Трансакционерсервис» каби МЧЖлар шулар жумласидан.

— Тошкент вилоятидаги нодавлат сектор корхоналарида касаба уюшма афзалликлари кенг тарғиб этишга алоҳида аҳамият қаратиляпти. Натижа ҳам ёмон эмас, — дейди Б. Мирзаев. — Нодавлат корхоналарнинг сони охиб бораётгани боис, ҳали олдинда қилиниши лозим бўлган вазифалар кўп. Энг муҳими, иш бевурачиларни ходимлар манфаатларини ҳимоялашда касаба уюшмаларининг ўрни нечоғли муҳим эканига ишонтира олишди.

Бу борада вилоятда муайян ишлар қилинаётир. Жумладан, тармоқ ходимлари Бўстонлик туман кенгаши нодавлат сектор корхона ва ташкилотларини касаба уюшмасига жалб этиш борасида яхши натижаларга эришди. Туман кенгаши томонидан аъзолар сони 70 нафарни ташкил этган «Lotos gold» МЧЖ қўшма корхонаси, 30 киши фаолият юритувчи «Газалкент мөва» МЧЖ корхонаси ходимлари касаба уюшмаси ҳимоясига олинди. Эндигина касаба уюшмаси тузилиб, ходимлар аъзоликка жалб этилган «Arslan magic socks» МЧЖ хорижий корхонасида бўлганимизда ҳам ушбу тарғибот самарасини кўрдик. Жорий йилнинг биринчи чорагида Бўстонлик тумани Исқандар кўрғонида ишга туширилган корхонада 102 та янги иш ўрни ташкил этилган экан. Замонавий ускуналарда ишлаш учун ёшлар уч ой давомида ўқи-ўрганишди. Бу ерда 14 ёшгача бўлган болалар учун турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Корхонамизда иккита цех фаолият кўрсатмоқда, — дейди кадрлар бўлими бошлиғи Дилором Аҳмедова. — Маҳсулотларимиз бозорда тезда ўз харидорини топапти. Ишчиларимиз сафида коллеж битирувчилари ҳам бор. Ходимларга барча шароит яратиб берилган. Иссиқ овқат ташкил этилиб, транспорт қатнови йўлга қўйилган.

Янги ташкил этилган бошланғич ташкилотлар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, уларнинг таъсис ҳужжатларини расмийлаштириш ва жамоа шартномаларини тузишда туман кенгаши томонидан амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

— Ҳозирда аъзоларимиз 2500, нафарни ташкил этмоқда, — дейди тармоқ ходимлари туман кенгаши раиси У.Аҳмедов. — Сафимизни янада кенгайтиришга астойдил киришимиз. Бунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг жорий йил 4 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган «Касаба уюшмаларига жалб этилмаган корхона ва ташкилотларда касаба уюшмаси ташкилотини тузиш орқали уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш юзасидан 2013-2014 йилларга мўлжалланган комплекс тадбирлар дастури» қўл келатири. Шу асосда туман статистика бўлими, туман ҳокимлиги қошидаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси ва Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда нодавлат сектор корхона ва ташкилотларини касаба уюшмасига жалб этиш юзасидан ишлар қизгин давом эттириляпти.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири

Киш — беташвиш

«Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамиятининг «Қорақалпоқ кўмир етказувчи» унитар корхонаси аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириб, киши масумга пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Кўмир мўл бўлади

Бултур фаолиятини бошлаган корхона давлат ташкилотлари ва аҳолига хизмат кўрсатади. Айни пайтга қадар ижтимоий соҳа объектлари учун 3500 тоннага яқин кўмир жамғарилди. Жорий йилги мавсумда аҳолини 25 минг тонна ёқилги билан таъминлаш режалаштирилган. Корхона фаолиятини кенгайтириш, хизмат сифатини яхшилаш ва аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш учун туман филиаллари ишлаб турибди.

Айниқса, Нукус шаҳри, Чимбой, Кўнгирот, Эллиқалва, Тўрткўл ва Амударё тумани Назархон темир йўл станцияси ҳудудида яшовчиларга кўмир етказиб бериш жадаллаштирилмоқда. Чунончи, Нукусдаги темир йўл шохобчаси ҳамда бошқа шохобчаларда

ишчи-ходимлар учун ҳамма шароит яратилган. — Келгусида кўмир ортиш механизмлари фаолиятни янада кучайтиради, — дейди унитар корхона директори Менглимурод Отаметов. — Уни ташиш учун махсус машиналар ажратилди. Кўмирга эҳтиёжи борлар жойлардаги фуқаролар йиғинларига мурожаат қилиши мумкин. Харидорларга қулай бўлиши учун тўловлар нақд пул, пластик картотқа ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда.

Ҳозирда махсус сайт очилган бўлиб, ундан корхона фаолиятини оид ҳамма маълумотларини олиш мумкин. Аҳоли эҳтиёжини таъминлаш, истеъмолчиларга намунави хизмат кўрсатиш ушбу жамоанинг асосий мақсадиридир. ИZZАТ ҲИҚМАТОВ

Халқаро семинар

Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий кенгашида экотуризмни ривожлантириш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, Сингапурнинг атроф-муҳит масалалари бўйича кенгаши ва бошқа давлат, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, вазирилик ва идоралар вакиллари, олимлар, мутахассислар, журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий кенгаши ижроия кўмитаси раиси Б.Алихонов ва бошқалар техник ҳамда технология ривожлантиришга йўналтирилган ислохотлар жараёнида атроф-муҳит

жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш механизми такомиллаштириш, экологик беқарор ҳудудларда атроф-муҳит ҳолати ва аҳоли саломатлигини яхшилаш бўйича ҳамкорликни мустақамлаш, биохилма-хилликни сақлаш ва биологик ресурсларнинг олдини олиш, табиий муҳит мусоффолигини таъминлашга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ташкилотлари билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётди.

Сўнгги йилларда Экоҳаракат томонидан минтақамиздаги трансчегаравий экологик муаммоларга халқаро жамоатчилик эътиборини қаратишга йўналтирилган қатор тадбирлар ўтказилгани фикримиз исботидир. Экоҳаракатнинг ҳудудий бўлинмалари ва унинг «Ёшлар қаноти» ҳамкорлар билан ҳамжиҳатликда табиий муҳофаза қилишга, узлуксиз экологик таълим тизимини жорий этишга, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга, жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга қаратилган тадбирларга аҳолини, айниқса, ёшларни кенгроқ жалб этиш бўйича тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон ва Сингапурнинг экологик қонунчилигини такомиллаштириш ва жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари




иштирокини кенгайтириш бўйича тажрибалари муҳофаза марказида бўлди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепцияси асосида ишлаб чиқилган ҳамда жорий йилнинг июл-сентябр ойларида кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва мақсадлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Семинарда экологик барқарорликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик туризмни ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, экологик таълим, қонунчилик, жамоатчилик экологик назорати соҳасида мамлакатимизда ва Сингапурда амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган натижалар юзасидан тажриба алмашилди. «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. — Экология ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасида орттирилган илғор тажрибани чуқур ўрганиш ва оммалаштириш мамлакатларимиз учун жуда фойдалидир, — деди Сингапурнинг атроф-муҳит масалалари бўйича кенгаши ижроси директори Хосе Раймонд. — Ўзбекистон тобора чирой очиб, раванқ топаётди. Бундай хайрли ишларни ўрганиш ва татбиқ этиш тараққиётга хизмат қилади. Семинарда экологик қонунчиликни ривожлантириш ва экологик назоратни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларини иштироки, бу борада Ўзбекистон ва Сингапур тажрибаси, экологик туризм соҳасида мутахассислар ташаббуси, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини такомиллаштириш масалаларига оид маърузалар тинланиб, ўзаро фикр алмашилди.

Ўз мухбиримиз

■ ОНАЖОНИМ ТАБИАТ

Табиатнинг нозик хилқати бўлмиш жайронларда кўриш, эшитиш ва ҳид билиш сезгилари кучли ривожланган. Бу кўркем мавжудотларни юртимизнинг саҳролари, дашт ва тоғолди ҳудудларида учратиш мумкин. Улар асосан донли ўсимлик, шўра, шувоклар билан озиқланади. Жазирама ёз ойларида кундузи қумтепалликлар орқасида, буталар соясида салқинлаб, кечаси фаол бўлишади. Куз бошлангач, саҳродаги турли ўсимликлар билан кун кечиришади.



Жайронларнинг мўъжаз макони

Баҳор келиши билан нарлари қора рангдаги шохларини тозалаш, жанг усуллари машқ қилишади. Ёш нарлар бир-бири билан олишади. Ғолиб бир талай урғочига бош бўлади.

Кўпайиш даврида урғочиларнинг ташвиши ортиб, болалаш учун ўт-ўландан тамомила холи бўлган тақир жойларни танлашади. Бу безор жониворларнинг ҳимоя ранги уларни бир неча қадам наридан туриб ҳам кўришни қийинлаштиради.

Биз повнсиз қум саҳролари бўйлаб кетаётганим, янги туғилган жайрон боласининг қаддини тиклашга уринаётгани устидан чиқдик. Унинг тенгсиз гўзаллигига маҳлиё бўлиб қолдик. Умуртқаларининг икки ён томонида нуқталар, орқа сонларида чизикчалари бор эди. Икки кўзи қоп-қора мунчодек. Сарғиш-кўкмирт майин жунари шамолда тўзғиб турарди. Кичкинтой ёруғ оламда илк қада-

мини ташлай бошлади, оёқларида мустаҳкам туришга, ўзини тетик тутишга ҳаракат қилди. Сўнгра у поданинг бир азосига айланди. Ўсибулғайини учун айна дамлар ҳатлари саналади. Болалик дамлари узоққа қўзилмайди. Она жайрон боласини бир дам ҳам кўздан қочирмайди. Ниҳоят, хавф-хатардан холи эканлигига ишонч ҳосил қилгач, унга бироз эркинлик беради.

Одатда, ҳаммаша хушёр ва тез югура олувчи тўдабоши анчайин паст товушни ҳам илғай олади, гуруҳ аззоларини хавф яқинлашганидан огоҳ этади. Шунда кичкинтой диккатини жамлаб, тўдага эргшиб қочиб қолади. Негаки, ҳар қандай кичик хато унинг ҳаётига нуқта қўйиши мумкин. Тўда аззолари хатардан қутулиш учун чакалакзор ва қалин буталардан ҳеч қийинчиликсиз ўтишади. Бу хусусият рақибларига нисбатан устунлик беради, албатта.

Бухоро вилояти «Жайрон» экомаркази мана ўттиз йилдирки, ушбу камёб жониворлар учун қўриқхона вазифини ўтаб келмоқда. Экомарказда «Шўртан газ-кимё» мажмуаси хомийлигида симтўр билан ўралган майдонлар ташкил этилган. Жониворларнинг эмин-эркин, бехавотир яшашлари учун қулай шароит яратилган.

Экомарказдаги тўқайзорлар ўтиб бўлмас тиканли симтўрлар билан ўраб олинган. Сўлим табиат кўйида жайронлардан ташқари Пржевальский отлари, қулон, тоғ кўйи каби ноёб мавжудотларнинг гала-гала бўлиб юриши кўзни қувонтиради. Эрта тонгданок турфа хил қушлар сайроғи бир дам тинмайди.

Қўриқхонада ўз вазифини содиқ зийрак назоратчилар фаолият юритади. Тоғ этагида бир неча оддий, мўъжаз уйчалар бўлиб, кўриқчи нозирлар кўпроқ шу

ерда ушланиб қолишади. Қўриқхона ҳудудидаги баланд тоғларнинг ўз хавоси, ўзига хос ўсимлик дунёси бор. Ҳар қадамда чашмалар кўз очган. Улар — табиат мўъжизаси. Баланддан оқиб тушаётган шаршаларнинг шувуллашини айтмайсизми? Кишига мадор бағишлаб, чарчоғини ёзади.

Экомарказда бўлган Зафар Саидов, Барно Исмоилова, Фарангиз Аҳмедова каби ўқувчиларнинг қалби бир олам завқ-шавққа тўлиб, журсандчиликларини яширолмадилар. Бетақдор сўлим табиатдан баҳраманд бўлиб, таассуротлари янада бойиди. Экомарказ ёшларнинг она табиатга бўлган меҳрини оширишдек хайрли ишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Дилфуза БОЛТАБОВА,
Жиззах шаҳридаги
1-умумтаълим
мактаби биология
фани ўқитувчиси

■ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликнинг эркин фаолияти учун яратилаётган имкониятлар ва қулай ишбилармонлик муҳити туфайли мазкур соҳа вакиллари сафи тобора кенгаймоқда. 2012 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни эса бу борадаги ишларни янги bosқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Оилавий тадбиркорлик кафолати

Оилавий тадбиркорлик оила аззолари томонидан таваққал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир. У юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли «Оилавий корхона»дир. У ўз мулкда алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, ўз номидан мулкий ва номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Қонунда оилавий корхона иштирокчиларининг сони икки кишидан кам бўлмаслиги белгиланган. Унинг таъсис ҳужжати «Таъсис шартномаси»дир. Оилавий корхонанинг устав фонди энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан кам бўлмаслиги белгиланган.

Қонунда оилавий корхона иштирокчилари кимлар бўлиши мумкинлиги аниқ кўрсатилган. Жумладан, оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган бошқа қариндошлари, туғилган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки, амма ва ходалари иштирокчи бўлиши мумкин. Шунингдек, бир оилавий корхона иштирокчиси бир вақтнинг ўзига бошқа оилавий корхонанинг иштирокчиси бўлиши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, оилавий корхона бошлиғи ёки иштирокчилар таркиби ўзгарган тақдирда, эр ва хотин ўртасидаги никоҳ бекор қилинган ёки оилавий корхона иштирокчиси вафот этган ва бу ҳолатлар оилавий корхона балансига берилган иштирокчилар мол-мулк рўйхатида ўзгаришларга сабаб бўлса, таъсис шартномасига тегишли ўзгар-

тиш ва қўшимчалар киритилади. Бунда оилавий корхонани қайта давлат рўйхатидан ўткариш талаб қилинмайди. Бу эса давлатимиз томонидан фаолият иштирокчиларига яна бир қулайлик яратилганлигидан дарак беради.

Шуни айтиш лозимки, Қонунда оилавий корхоналар томонидан ишлаб чиқариш фаолияти учун фойдаланиладиган турар жойларни нотурар жойларга ўтказиш талаблари мавжуд эмас. Оилавий корхона иштирокчилари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг уларнинг тасаруфига келиб тушадиган фойда солиқ солинишдан озод қилинади.

Оилавий корхоналар турар жойдан бир вақтнинг ўзига истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда коммунал хизматлар (электр энергияси, газ, сув, иссиқлик таъминоти ва канализация) ҳақини тўлаш аҳоли учун назарда тутилган тарифлар бўйича умумий асосларда амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун оилавий бизнеснинг қонунчилик базаси яратилишига, бизнесни юритишда юзага келадиган миллий аъёнларимизга, ҳўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келадиган ҳуқуқий кафолатларни янада кучайтиришга, оилавий бизнеснинг жадал ривожланишига ва янги иш ўринларининг очилишига хизмат қилади.

М. ИГАМНАЗАРОВ,
Сирдарё вилоят Давлат солиқ
бошқармаси «ЮШС»
бўлими бошлиғи

РЕКЛАМА ЎРНИДА



ришга катта ҳисса қўшаётгани эътиборга моликдир.

Навий шаҳри «Гулстон» маҳалласидаги «Dovudbek sito» оилавий корхонасида 15-20 турдаги болалар ва катталар учун кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда.

— Корхонамизга «Микрокредитбанк» ОАТБ Навой вилояти

вонлигини ошириб, юртга наф келтирмоқда. Жумладан, банк томонидан аёллар тадбиркорлигига ўтган 9 ой давомида 44 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Натижада 16,7 мингта яқин янги иш ўринлари яратилди.

— Ҳар қандай тадбиркорлик, аввало, пухта бизнес-режа, сўнгра молиявий маблағ орқали шакллантирилади — дейди Музработ туманидаги «Музработ иссиқнон» хусусий корхонаси раҳбари Масто-на Бобоева. — Шу маънода тадбиркор-нинг иши молия муассасаси билан чам-

«Микрокредитбанк»нинг Музработ тумани филиали томонидан ажратилган 39 миллион сўм имтиёзли кредит қўл келди. Ушбу маблағ эвазига дастлаб цех биносини мукамал таъмирладик, сўнгра ускуналар олиб келиб ўрнатдик.

Ҳозирда бу ерда қандолат маҳсулотларидан ташқари 2 та нон пишириш ва 1 та хамир қориш ускунаси ёрдамида бир кеча-кундузда 1500 донагача қолип-ли нон ҳам тайёрланапти.

Мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилани мустаҳкамлаш,

оилани молиявий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун ажратилган имтиёзли кредитлар ҳиссасига тўғри келди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, банк томонидан амалга оширилаётган ишларда ёшларни, аynиқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустақил ҳаётга дадил кириб боришига қўмаклашиш устувор аҳамият касб этаётир. «Микрокредитбанк» ўзининг фаолияти давомида меҳнат бозорига кириб келаётган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, банк томонидан коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 18,3 млрд. сўм миқдорда имтиёзли микрокредитлар йўналтирилган бўлиб, шунинг ҳисоби-га 5 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Жумладан, банк кредитларидан фойдаланаётган аёлларимизнинг 85 фоизини банкнинг кичик кредитлари ташкил этади. Ўтган шу даврга нисбатан банкимизга мурожаат этган аёлларимиз сонининг ўсиш кўрсаткичи 136 фоизни ташкил этди.

— Коллежни битириш арафасида ўқиш давомида ўрганган ҳунарим бўйича кулолчилик устахонаси очиб, икки укамни ёнимга олиб, иш бошлашга қарор қилдим, — дейди Шаҳрихон тумани «Янги ҳаёт» маҳалласида яшовчи тадбиркор Азизбек Аҳмаджонов. — Иш бошлашим учун бизнес режа туздим. Банк ходимлари бизнес режамни маъқуллашди. Қисқа вақтда менга йиллик 3 фоизли бўлган 3 миллион 950 минг сўм микрокредит ажратишди. Ҳозир кулолчилик устахонамизда тайёрланаётган сопол буюмларга талаб ортиб, буюртмачилар ҳам кўпайиб бормоқда. Ҳунаримни тенгдошларимга ҳам ўргатаяман. Келгусида «Микрокредитбанк» билан ҳамкорликда ишларимни янада кенгайтирмоқчиман.

Хулоса қилиб айтганда, бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улкан яратувчи кучга айланди. Зеро, соҳани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор замирида ишлаб чиқаришда тадбиркорликка эришиш, оилаларимизга турмуш фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад ётади. Бу йўлда «Микрокредитбанк» ўзининг сармоялари билан эртанги кунга ишончи банд тадбиркор юртдошларимиз учун доимий даромад манбалари яратишга хизмат қилмоқда.

Насиба ИСМАТОВА,
«Ishonch» муҳбири.
Муаллиф олган суратлар


«МИКРОКРЕДИТБАНК»:

Ишбилармонларга таянчимиз



филиалидан олинган 7 млн. 900 минг сўм имтиёзли кредит эвазига замонавий тикиш дастгоҳлари олиб келиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди корхона раҳбари Муҳаррам Якубова. — Ушбу дастгоҳлар ёрдамида бир кунда буюртма асосида 50-60 та трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида хориздан янги технология келтириб, корхона қувватини янада оширишни мақсад қилганмиз.

Дарҳақиқат, бир кишининг хайрли тадбири билан бир неча оиланинг рўзғорига баракка қиради. Бугун кўплаб тадбиркорлар Муҳаррам опа сингари банк кўмагида оиласи фаро-



барчас боғлиқдир. Ҳар икки томон ўртасидаги ишончли ҳамкорлик эса юксак муваффақиятларга мустаҳкам гаров бўлади. Сўнги йилларда банк ва мижоз ўртасидаги масофа тобора «қисқариб» бормоқда. Яъни молия муассасасининг мижоз учун қулай шартларда тақлиф этаётган хизматлари тури кенгаётгани, аҳоли орасига чуқур кириб бораётгани шундай лейшша асос бўлади. Қолаверса, банк томонидан тақлиф этилаётган хизматлар, биринчи навбатда, мижоз манфаати устуворлигини кафолатлайди. Бунга бизнинг фаолиятимиз ҳам яққол мисол бўла олади. Корхонамизда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ташкил этдик. Бунда



айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Микрокредитбанк» очик акциядорлик-тижорат банки бу хайрли ишларга ўзининг муносиб улушини қўшиб келаётир. Банк хизматлари ёш оилаларнинг даромадларини янада кўпайтиришга қулай имконият яратмоқда. Банк сармоялари юртимиздаги кўплаб кичик бизнес вакиллари, аynиқса, оилавий тадбиркорларнинг ўз фаолиятини ривожлантиришида қўл келмоқда. 2013 йилнинг ўтган ойлари давомида банк томонидан ажратилган 31,9 млрд. сўм 5 мингдан зиёд ёш

Бахт нуридан бахраманд эл

(Давоми. Бошланиши 2-саҳифада).

Урганч шаҳридаги бунёдкорликлар ҳақида сўз кетганда, Шовот канали қирғоқларидаги қурилиш тadbирлари хусусида алоҳида тўхталмасликнинг илоҳи йўқ. Каналнинг икки томони кун сайин ўзгариб бормоқда. Канал туби бетонлаштирилди, кўприклар реконструкция қилиниб, қирғоқлари мрамар гранит қопламаси билан қопланди. Айни кунларда икки соҳилда мамлакатимизнинг барча вилоятлари аънааналарини мужасам этган чойоналар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, маданий дам олиш масканлари, спорт майдончалари қурилиши тугалланмоқда.

Мурувват онлари

Касаба уюшма жонқурларидан бўлган, Шовот туман «Бешмерган» қишлоқ фермерлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Шуҳрат Удабович кўтарилиб кайфиятда учратдим.

— Бу йил фермер хўжалиқларимизда мўл ҳосил тўпладик. Картошка-пийёз, қовун-тарвуз, ҳамма-ҳаммаси яхши бўлди. Фермерлар маслаҳатлашиб, ша-

ҳарликларга ҳам ҳада тайёрлашга қарор қилдик.

Шуҳрат ҳар доим савоб ишларнинг бошида юради. Қишлоғидаги 35-умумтаълим мактаби ота-оналар кўмитаси раиси. У таъсис қилган «Уста Матсафо» фермер хўжалиги стипендияси соҳиблари сони ҳам юзга яқинлашиб қолди. Ҳар йили етиштирган ҳосилини қишлоқдаги кам таъминланган оилалар билан баҳам кўриб келади.

Не бахтки, юртимизда Шуҳрат ака каби саховатпешалар кўпчилики ташкил қилади. Қалбига эзгуликни нақшлаган бундай инсонлар кўмағида тўйлар, байрам тантаналари ўтказилаётди.

Умуман, Йиди қурбон кунлари касабамурувват томонидан қатор меҳрмурувват тadbирлари ташкил қилинди. Ёши улуглар, кам таъминланганлар, боқувчисини йўқотганлар... ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмади.

Улкан имкониятлар диёри

— Дунё тан олган ўзбек модели мамлакатимиз тараққиётнинг асосини ташкил қилди. Президентимизнинг «Ис-

лоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» деган, одамларимиз қалбидан эзгу оруз-интилишларни яққол ифода этган олижаноб даввати халқимизни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида сафарбар этиб, юртдошларимизнинг юрагига чуқур кириб боргани истиклол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётгани рост, — дейди журналист Меҳрибон Тиллаева. — Биз ижодкорлар истиклолнинг ҳар бир қуни ҳақида тўлқинланиб, фخر ва ғурур билан ёзамиз.

Ҳа, муштариклик нафақат ўзлимизни англаш имконини берди, балки бахтли ва фаровон турмуш кечиришимизга замин яратди.

Меҳрибон Тиллаевани таниган борки, унга ҳавас билан қарайди. Боиси, журналист аёл қайноқ қалби, ўткир кўзи билан элда обрў қозонган. Қолаверса, истиклол берган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда фарзандларини илми-маърифатли қилишга алоҳида ёндашиди. Эндилда катта ўғли Анвар Германияда магистрик

дипломини қўлга олиб, халқро микёсда менежерлик фаолиятини бошлаган бўлса, қизи Мафтуна Ўзбекистон Миллий университети, кичик ўғли Урганч Давлат университети талабаси.


— Истиклол тўғрисида Африка мамлакатларида, Туркияда сафарда бўлдим, — дейди М. Тиллаева. — Албатта, ҳар бир диёрнинг ўзига хос таровати бор. Бироқ, она Ўзбекистонимизда жаннатмонанд улка, улкан ва буюк ўтмишга, не-не даҳоларга бой мамлакат камдан-кам топилади. Шундай экан, фарзандларимизни аждоқларимизга муносиб қилиб тарбиялаш биз учун фарз ва қарзидир.

Истиклол тўғрисида бахт нуридан бахраманд бўлиб умргузаронлик қилаётган қуёшли замин фарзандлари эртанги кунни бугунгидан-да нурафшон, юртни янада обод, турмушини фаровон кўриш ишқи билан изланмоқда, интиломоқда. Кўпни кўрган инсонлар, муваффақиятларни эътироф қилган ҳолда Ватан олдидаги масъулиятни ҳам унутмаслигимиз кераклигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, ҳар бир ҳаракатимиз диёримизнинг янада гуллаб-яшнаши, равнақи учун хизмат қилсагина, биз шу заминнинг муносиб фарзандиман, дея гурурланамиз.

Муҳаббат Тўрабоева, «Ishonch» мухбири

Китобингизни ўқидим

Одатимизга кўра, қўлимизга тушган китобни қизиқиб арақлаймиз. Сатрларга кўз югуртирамиз. Юрагимизга яқин сўзлар бўлса, нимадир диққатимизни тортса, барча нарсани унутиб, мутлоага бериламиз. Шойра Муҳаббат Ҳамроевнинг «Тафаккур қаноти» наشريётда чоп этилган «Кечиккан китобини қўлга олиб, ундаги шеърларни ўқиб эканман, шундай ҳолатни бошдан кечирдим.



Шеър сеҳри

Шойра онаси ҳақида қўллаб шеърлар битган, уларни хонандлар кўшиқ қилиб қуйлашган ҳам. У навбатдаги китобини онасига бағишлашни айтади, лекин... Муштира онага китобни қуриш насиб этмайдди. Шунинг учун бўлса керак, «Кечиккан китоб» дунёга келади.

Гоҳ кўнглини сўраб, сўрамай, Кўзларига бир бор қарамай, Югурибман мисли шамолдай, Ҳали онам ўлмайди, дебман...

— дея армонларини дардли сатрларга тўкади... Шойра ҳаётни теран нигоҳ билан кузатади. Англаганларини, кўнглидан ўтаётганларини моҳирлик билан қозғога туширади:

Муҳаббат анқийди хиббонлардан, Борлиқни ўрайди илоий сирлар. Осмон қулоғига баланд тераклар, Кўнгил дардларини аста шивирлар...

Фан арбоби, профессор Абдуғафур Расулов китобга ёзган сўзбошида шундай дейди: «Ҳаёт мангу — паст-баланд, хуш-нохуш, қўлоп-ёқимли, бурйидай увулловчи, итдай ирилловчи, насимдай ёқимли, бурондай изилловчи товушларга тўлиқ. Ижодкор нигоҳ, дарахт овозини, тоғлар ҳайқиринини бутун вужуди ила эштади, қалбидаги ҳиссиётни ўз шеърларида ифода эта олади. Шойра Муҳаббат Ҳамроева ҳам шулардан бири».

1968 йил 21 октябрда Бухорода туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетини имтиёзли тамомлаб, ЎзФА Тил ва адабиёт институтида кичик илмий ходим бўлиб, сўнгра 1985 йилдан эътиборан телевидениеда «Унутилмас сатрлар» кўрсатувида иштирок эта бошлаган истеъдод эгаси 1998 йилдан «Ёшлар» телеканалда фаолият юритиб келмоқда.

Тинимсиз изланиб, томошабинлар юрагига етиб борадиган кўрсатувларни тайёрлаётган Муҳаббат Ҳамроева «Шуҳрат» медал, «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони соҳибни бўлиш билан бирга, «Йилнинг энг фаол журналисти» голиби ҳамдир. «Кечиккан китоб»гача унинг «Севинч ноласи», «Эрта сунган юлдузлар», «Севгиндан бахтирман», «Сўнмас юлдузлар» китоблари дунё юзини кўрган.

Ҳаётда ҳам, ижода ҳам ўз ўрни, ўз сўзига эга бўлган шойра Муҳаббат Ҳамроевдан янги-янги шеърлар кутиб қоламиз.

Салим АБДУРАҲМОНОВ

Мушоҳада

Аёл ҳусни — ҳаёда

Юртимиз ёшларини маънан баркамол этиб тарбиялаш борасида кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Маҳалла фаолларининг ёш қизларни турмушга тайёрлаш, аҳоли ўртасида соғлом ҳаёт тарзини миллий қадриятларимиз асосида тушунтиришга катта эътибор қаратишайтгани ҳам бунга мисолдир.

Афсуски, ҳозирда хотин-қизлар ўртасида кийиниш одоби, Шарқ аёлига хос шарм-ҳаё унутилиб бораётгандек. Ваҳоланки, момоларимиз биров билан сўрашмоқчи бўлса, энгларини кўллари устига тушириб, кейин кўришарди.

Ёшига мос бўлмаган либосда тўй-ҳашама бораётган айрим оналарни кўриб, қизларимиз қандай ибрат олишарди? Илгари бир қишлоқдан бирор қизнинг номига доғ тушса, бутун маҳалла аҳли азият чекарди. Ҳозир-чи? Тез-тез учраётган энгил-елпи одатларга қалқон бўладиган ота-оналаримиз қани?! Қиз тарбиясида она асосий ўрин тутди. Хонадоннинг яхшисини ошириб, ёмонини яшириб, эри шаънини улуг қилган аёл, албатта, қизи учун ҳам яхши ибратдир.

Фахриддин ХУДОЙНАЗАРОВ, Денов тумани Даҳана қишлоғи

ВЕЛОСПОРТ

Эроннинг Техрон шаҳрида велотрек бўйича Осиё кубогининг иккинчи босқичи — ACC Cup (ТСАС) якунига етди.




НАТИЖА ЁМОНМАС

Мусобақа дастуридан яқка ва жамоавий спринт ҳамда таъқиб пойгалари, очколар бўйича, 1 км., Скретч, Омниум, Медисон, Кейрин беллашувлари жой олганди.

Турнир «Class 1» таснифига киргани, эркаклар ўртасида фақат «Elite» тоифасидаги велоспортчилар иштирок этгани боис ҳам мурасасиз курашларга бой тарзда кечди.

Вадим Шаехов, Владимир Туйчиев, Роман Дронин, Руслан Федоров, Дмитрий Лозовойдан ташкил топган термаимиз жамоавий таъқиб пойгаларида финиш чизигини учинчи бўлиб кесиб ўтди. Бундан ташқари, Темур Гумеров Омниум пойгаларида қумуш медални газнамизга қўшиб қўйди.



ТЕННИС

Козон (Россия) шаҳрида теннис бўйича «Челленжер» туркумига кирувчи халқаро турнирда истеъдодли теннисчимиз Фаррух Дўстов Рад Албот (Молдавия) билан ҳамкорликда ғалаба қозонди.

ФАРРУХ — ФОЛИБ

Финалгача бўлган йўлни муваффақиятли босиб ўтган жуфтлик ҳал қилувчи беллашувда Егор Герасимов ва Дмитрий Жермонти уч сет якунига кўра 6:2, 7:6, 10:7 ҳисобида мағлубиятга учратиб, шохсупанинг биринчи погонасини забт этди.

Фаррух Дўстов яққалик беллашувларида ҳам яхши иштирок этиб, ярим финалгача чиқди.

ДЗЮДО

Любляна (Словения) шаҳрида дзюдо бўйича йигирма бир ёшгача бўлган йигит-қизлар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатига етмиш беш давлатдан келган олти юздан зиёд дзюдочиларнинг иштирокида бўлиб ўтган чемпионатнинг якунига кўра, Фаррух Дўстов яққалик беллашувларида ҳам яхши иштирок этиб, ярим финалгача чиқди.



ИККИТА КУМУШ

Мусобақада юртимиз шарафини ўн бир дзюдочиларимиз қўллаётди. Терма жамоамиз ҳисобига дастлабки медални Дийрбек Ҳасанов (60 кг.) келтирди. Ёш полвонимиз мусобақа давомида мўғлистонлик Ганболд Мунхтур, эквадорлик Карлос Матуте, япониялик Юма Ошима ва туркиялик Шахин Аҳмад Кабани мағлубиятга учратиб, финалга чиқди.

Ҳал қилувчи беллашувда жанубий корейлик Баул Анга кичик ҳисобда ютказган ҳамюртимиз жаҳон чемпионатининг қумуш медалини қўлга киритди.

Яна бир истеъдодли полвонимиз Сарвар Шомуродов кураш олиб борган 75 кг. вазн тоифасида жами олтинчи дзюдочилар билан давлоқиб қилди. Финалгача Доминикан Республикаси, Австралия, Қозғистон, Польша, Канада вакилларини мағлубиятга учратган полвонимиз ҳал қилувчи беллашувда Антонио Эспосито (Италия)га рўбарў келди. Ёш вақилимизга шохсупанинг иккинчи погонасидан жой олиш насиб этди.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ: +998(71) 256-54-86.



«ШУҲРАТ»ЛИ МУАЛЛИМ

Наманган вилояти Тўрақўрғон қишлоқ хўжалиги касбухунар коллежида соҳанинг беш йўналиши бўйича етук мутахассислар тайёрланмоқда. Бунда таълим маскани педагоглар жамоасининг хизмати катта бўлаётди.

Коллежининг махсус фан ўқитувчиси Сайдулла Мансуров ана шу жамоанинг фаол аъзоларидан. С.Мансуров инглиз тили ўқитувчилари билан ҳамкорликда «Жаҳон қишлоқ хўжалиги тарихи» қўлланмасини яратган. Унинг ташаббуси билан махсус фанларни ўқитиш жараёни физика, химия, биология машғулотларига уйғун тарзда ташкил этилаётганлиги дарслар самарадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. С.Мансуров жорий йилда

Ўқитувчи ва мураббийлар кўни арафасида Президентимизнинг Фармонида мувофиқ «Шуҳрат» медалига билан тақдирланди.

Суратда: Тўрақўрғон қишлоқ хўжалиги касбухунар коллежи махсус фан ўқитувчиси Сайдулла Мансуров ўқувчилари билан.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат

Маърифат маскани

Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг яхши мактаб директори — 2013» республика кўрик-танловида Зарафшон шаҳридаги 13-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби директори Гулжаҳон Қаршиеванинг номи ҳам эътироф этилди.

Ҳўш, иш услуб ва ёндашувлари республика даражасида тан олинган раҳбарнинг жамоасида қандай ибратли ишлар амалга оширилаётди? Маскур савога жавоб топиш мақсадида таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зарафшон шаҳар кенгаши раиси Хосият Бердиева ҳамроҳлигида муассаса сари йўл олди.

— Ушбу мактаб мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган сана — 1991 йилнинг 1 сентябрида илк бор ўқувчиларини ўз бағрига олган, — деди сўхбатдошим йўл-йўлакай. — Вазирам юзасидан бу даргоҳга тез-тез келиб тураман. Гулжаҳон опа ўзига билдирилган ишонч ва бурч масъулиятини жуда яхши тушунади. Бир сўз билан айтганда, талабчан шў билан бирга, меҳр-оқибат кўрсатиши ҳам ўрнига қўяди. ... Директор опа чуқурлаштириб ўрганиладиган фан синфларидан бирига дарсни таҳлил қилиш учун кирган экан. Вақтнинг бой бермаслиги учун жамоа бошлангич касаба уюшма кўмитаси раиси Латофат Наимова замонавий усуллар билан муаммоларни ҳал қилиш шартлари бўйича маҳоратларимиз қайта-қайта ўрганилди, — дейди Гулжаҳон Қаршиева. — Ростини айтсам, шунча вилоятларнинг голиб вакиллари орасида совринли ўринни қўлга киритишни умид қилмагандим. Ҳозирги кунда мактабда 1659 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Уларга 104 нафар ўқитувчи илгор педагогик технологиялар асосида сабоқ бериша-

Қўлни қўлга бериб

ди. Муассасамизда ўқувчиларнинг илм олиши билан бир қаторда, ўқитувчиларнинг таълим беришига бўлган талаб юқори. Уларнинг ўз устида ишлаши, замонавий усулда дарс ўтиши доимий назорат қилиб турилади. Бунга яраша етарли шaroит ҳозирланган. Мактабимизда 79 та компютер бор. Аксариятида интернет хизмати йўлга қўйилган. Гарчанд жамоада биология, она тили, математика, инглиз тили, тарих фани алоҳида талаблар даражасида ўқитилса-да, қизиқувчи ёшлар учун фаолият юритаётган ўнлаб тўғарақлар мавқеи доимо юқори. Тажрибали етакчи Латофатхон Наимова ҳам ана шу муҳитга мослашган ҳолда, шаҳардаги «Энг намунали бошлангич ташкилот» мактабига муносиб бўлиш учун астойдил ҳаракат қилаётди. Зеро, эзгулик йўлида қўлни қўлга берганлар, эл ишига сиз қилдидан бел боғлаганлар ёруғ юз билан ютуқлар қуршовида бўлаверарди.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Газетанинг навбатдаги сони 2 ноябр, шанба кўни чиқади.

Footer containing contact information for O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi, including phone numbers, addresses, and website information.